



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 05 | pp. 284-292 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### “ЗАМОНАВИЙ ПУЛ НАЗАРИЯСИ”



**Марпатов Мавлонхон Дадашевич**  
Тошкент давлат иқтисодиёт унвиститети  
доценти, и.ф. н.

**Аннотация:** Биз мазкур мақола номини қўштирноқ ичида келтирдик. Бунинг албатта ўз сабаблари бор. ХХI аср инсониятни ўта оғир синов билан кутиб олгани ҳеч кимга сир эмас. Шубҳасизки гап, 2008 йил бошланиб, ҳалигача бизни батамом тарк этмаган жаҳон молия инқирози устида кетмоқда.

**Калит сўзлар:** Буюк депрессия, Молиявий кризис, тижорат банклари, суғурта тўловлари.

Тўғри, ХХ асрда ҳам инсоният шундай синовларни ўз бошидан кечирган. Бизга замондош бўлган ўтган ХХ асрнинг биринчи ярмида (1929 - 1933 йиллар) жаҳон иқтисодиётини қамраб олган ва тарихда “Буюк депрессия” деб ном олган бўҳрон, ўз бузғунчилиги билан тарихда из қолдирган иккинчи жаҳон уруши ҳамда ўша асрнинг иккинчи ярмида социалистик тузумни барҳам топиши натижасида жаҳон иқтисодиётида қарор топган мувозанатнинг бузилиши ва янги глобал бозор иқтисодиётини шаклланиши каби воқеалар дунё олимлари учун катта ташвишлар туғдирганлиги ҳаммамизга маълум.

Шунча оғир синовларни ўз бошидан кечирган бўлса-да, “янги аср совғаси” мана-ман деган олим ва мутахассисларни гангитиб қўйди. Мазкур, молиявий кризиснинг дахшати тўғрисида “жаҳон тарихида буюк марказий банкир” номини олган АҚШ Федерал захиралар тизими (ФЗТ)нинг собиқ раиси Алан Гринспеннинг қуйидаги ташвишли сўзларини келтириш кифоя, деб ҳисоблаймиз. “Барча ақл уйлари (молиявий идоралар назарда тутилмоқда) барбод бўлди. Мазкур кризисда, ҳали камчиликлари юзага чиқмаган замонавий иқтисодий ва молиявий моделлаштиришга ишонч йўқолди. Кризис уларни Bear Stearns и Lehman Brothers билан биргаликда касод қилди”.(қаралсин: Цит. по (Kindleberger and Aliber, Manias, Panics, and Crashes, 47)

Мазкур муаммо нафақат иқтисодчи олимлар, балки дунёнинг энг қудратли давлатлари сиёсий арбоблари фаолиятининг ҳам диққат марказига айланди. Ҳатто, АҚШнинг 44-президенти Барак Обама ва Буюк Британиянинг собиқ Бош вазири Маргарет Тэтчерлар ҳам бу фалокатга бефарқ бўлишмаган. АҚШда 2012 йилда ўтказилган президентлик сайловида республикачилар партияси номзоди Пик Перри АҚШ ФЗТ ўша пайтдаги раҳбари Бен Бернанкенинг молиявий кризис бўйича бесамар ҳаракатини “хоинлик” деб атади.

Табийики, бундай чорасиз ҳолатларда вазиятдан чиқиш мақсадида олимлар томонидан турли-туман янги таклиф ва тавсиялар берилади ҳамда янги-янги назариялар вужудга келади. Хусусан, янги асрда Л. Рэндалл Рэй, Стефани Келтон, Майкл Хадсон ва Павлина Черневалар томонидан ана шундай ғаройиб ғоялар битилган *Modern monetary theory* – ММТ яратилди. Кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, ММТ бу янги хартализи (пул массасини давлат томонидан бошқариш тизими)га асосланган иқтисодий назария бўлиб, унга кўра пул давлат монопол ҳуқуқига айланади.

Афсуслар бўлсинки, бу назария бутун дунё иқтисодчиларини ларзага келтирди-ю, лекин бизнинг республика адабиётларида ҳали ўзига ўрин топганича йўқ. Келинг, шу фурсатдан фойдаланиб ҳамда мазкур “*Modern monetary theory*” – ММТ сўзларининг луғавий таржимасидан келиб чиқиб, унга ўзбекча “Замонавий пул назарияси” - ЗПН деб ном берайлик.

Маълумки, ҳар қандай таълимот ўзидан олдин яратилган илмий қарашлар устига қурилади, уларни давоми сифатида қабул этилади. Энг асосийси эса, назария илмий тусга эга бўлмоғи лозим. Таниқли олимларнинг фикрига кўра, ЯПН пул соҳасида мавжуд анъаналарга риоя қилган. Шу билан бирга, у ўта ўткир, ноёб ва мавҳум қоидалар устига қурилган. Шу боис, биз уни “ғаройиб ғоялар” битилган назария деб аташга жазм этдик.

Мазкур назарияга баҳо беришда биз асло ёлғиз эмасмиз. Баъзи мутахассислар, мазкур таълимот асосчиларини учига чиққан ёлғончи муттаҳамлар дейишса, баъзилар уларни олимлар ёки тажрибали амалиётчилар, яна кимлардир хавfli хаёлпарастлар деб ҳисоблашмоқда. Ҳатто, ЗПН бош тарғиботчиси ҳисобланган С.Келтонни тарихда буюк даҳо деб тан олинган Да Винчи ва Н.Коперниклар билан бир сафга қўйишаётган иқтисодчилар ҳам йўқ эмас. (қаралсин: <https://oversight.house.gov/sites/democrats.oversight.house.gov/files/migrated/20081023100438.Pdf> 37 Чарльз Уилан. «Голые деньги» М. “Манн, Иванов и Фербер” 14 б. 382 б. 2019 г.).

Хусусан, 2019 йилда Чикаго университети қошидаги Бута номидаги Бизнес мактаби ичида Альберто Алесина, Барри Эйхенгрин, Уильям Нордхаус каби машҳур олимлар бўлган 38 таниқли иқтисодчилар ўртасида ўтказилган сўровда, уларнинг бирортаси ЗПН ни қўлламади. Ўша йилнинг май ойида АҚШ Сенати томонидан ЗПН ни айблаш бўйича чиқарилган резолюция, фақат унинг оммавийлигини оширишга хизмат қилди ёки оловга мой қуйгандек бўлди. Шундай воқеалар таъсири остида бўлса керак, иқтисодчи Виктор Тунёв 2019 йил тарихга “ЗПН” бўлиб киради, деб башорат қилишга ҳам журъат қилди. Мана, сизга жаҳон олимларининг янги пул назариясига бўлган муносабатлари.

Изланишлар давом этмоқда. ЗПН тўғрисида кўплаб илмий мақолалар ёзилмоқда, чиқишлар қилинмоқда ва жиддий тадбирлар ўтказилмоқда. Бу олимларнинг маърузаларида кўтарилган муаммолар ва билдирилган таклифлар нафақат ушбу анжуманда, балки инсоният учун яна бир фалокат бўлган COVID-19 пандемияси натижасида жаҳон иқтисодиётига етказилган зарарларни бартараф этиш бўйича ташкил қилинган тадбирларда ҳам кўпчиликнинг диққат эътиборида бўлди.

Биз ҳам ЗПН нинг бевосита тарафдори эмасмиз, айти пайтда уни қоралаш ниятимиз ҳам йўқ. Шу билан бирга, мазкур назарияга академик нуқтаи назаридан бефарқ бўла олмаимиз. Ҳайлаймизки юқорида келтирилган далиллар, мазкур назариянинг юзага келиши учун объектив сабаблар борлигидан дарак беради. Табиийки, ЗПН нинг вужудга келишга қандай объектив шарт-шароитлар сабаб бўлганлигига ҳамма қизиқса керак.

2012 йилда Италияда айнан шу мавзу (ЗПН) да ўтказилган илмий анжуманда АҚШлик олима Стефани Келтон ва мазкур назариянинг яна бир фаол тарғиботчиси бўлган атоқли олим, молия тарихчиси деб ном олган Майкл Хадсонлар маъруза қилишган ва мазкур саволга уларнинг ўзлари жавоб беришган. Бинобарин, биз ЗПН дарғаларининг ўша машҳур маърузаларига иқтибос қилган ҳолда бу масалани ёритишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, соғлом жамиятда моддий ишлаб чиқариш ва яратувчанликка асосланган иқтисодиёт фаолият кўрсатади. Моддий неъматлар ишлаб чиқарилади, жамият социал ҳаётчанлигини таъминловчи соҳалар яратилади ва кўпайтирилади. Жамиятдаги бошқа барча тармоқлар фаолияти мана шу соҳа билан уйғунлашади, шу жумладан, банклар ҳам уларга молиявий хизмат кўрсатади. Моддий соҳада яратилган миллий даромад жамият субъектлари ўртасида тақсимланади. Давлат биринчи ўринда ишлаб чиқарувчи ва яратувчи иқтисодий субъектлар фаолиятини молиялаштиради ва қўллабқувватлайди. Фаришталар дуо қилган жамият шундай ривожланади.

К.Маркс ва Ф.Энгельсларнинг коммунистик ғоя сингдирилган илк китоби – “Коммунистик партия манифести”, “Европада бир шарпа оралаб юрибди – бу коммунизм шарпаси” деган дахшатли сўзлар билан бошланган эди. Инсоният 100 йил деганда ҳам коммунистик ғоядан холос бўлаолмади.

Янги аср иқтисодиёти ҳаммага ўз маъшумлиги билан донғи кетган, ҳатто “Аллоху таоло” томонидан қораланган шайтон томонидан забт этилганлигини ҳеч ким сезмай қолди. Жамиятда гўё кўзга кўринмас иблислар ўрнашиб олгандек. Бельгиялик шоир Бодлер шайтон, одамлар уни йўқлигига ишониб қолганда ғолиб бўлади, деб ҳақ гапни ёзган эди.

Шайтон аралашган кўпгина ривожланган мамлакатларда, тижорат банклари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш каби моддий иқтисодиётни молиялаштириш ўрнига, соҳта корпоратив корхоналарини фаолиятини молиялаштириш орқали иқтисодиётда банкротликка мойил корхоналар тизимини яратди ва уларнинг қарздорликларини асосиз равишда ўчирди. Ёки тижорат банклари жуда катта фоиз тўлови шартда кредит бериб, қарздорни молиявий ресурсларини ўзлаштириб, уларни касод ҳолатга олиб борди. Молиявий кризис тижорат банклари катта фоизлар тўлаш шарти билан кредитлашга ўтганда бошланганлиги ҳам одамларга сирлигича қолмоқда.

Бундан ташқари, кредитлаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар, масалан биржа харажатлари, суғурта тўловлари, баҳоловчи компанияларнинг ҳақи ва яна кўпдан кўп харажатлар кредит устига қўшилиб, унинг баҳоси ҳаддан зиёд ошиб кетди. Бунинг тасдиғи сифатида, XX асрнинг энг буюк олимларидан бири сифатида тан олинган А.Эйнштейн банк амалиётида қўлланилаётган мураккаб фоизлар ҳисоблаб

ёзишни “жаҳоннинг саккизинчи мўъжизаси” деб атаганини эслатиб ўтишимиз кифоя, деб ҳисоблаймиз.

Устига устак, кредитлар тижорат банклари томонидан қўзғалмас мулк ёки узоқ муддатли активлар ва облигацияларни таъминоти остида берилади. Кредит устига фоизлар ва бошқа қўшимча харажатлар қўндирилиб, унинг баҳоси ҳаддан зиёд ошиб кетиши натижасида, юқорида айтиб ўтганмиздек кредитлар қайтарилмайди. Натижада, нархи банк фоизлари ва қўшимча харажатлари билан бозор баҳосидан анча ошиб кетган таъминот объектлари аукцион савдосига чиқарилади. Табиийки, бундай объектлар эркин савдода сотилмай қолади ва банкнинг осонгина ўлжасига айланади. Қаранг пул топишнинг қанчалик содда, лекин ўта ишончли ва пухта ўйланган йўли бор экан (бунда сунъий равишда ошириладиган қўшимча харажатлар ҳисобига кредит фоизи суммаси ошиб кетади).

Дунёнинг энг машҳур олимларидан бири Исаак Ньютон чайқовчиликка муккасидан кетган қўзғалмас мулк бозорида йирик маблағини йўқотгандан сўнг шундай деган экан: “Мен фазовий жисмлар ҳаракат йўлини ҳисоблаб чиқишим мумкин, лекин асло инсон телбалигини эмас”. Банкларнинг бундай, жамиятни емирувчи фаолияти оқибатида, нотўлов қобилиятли иқтисодий субъектлар яратилди, инфляция йилдан йилга ўсиб борди ва яратилаётган маҳсулот жиноий гуруҳлар ўртасида ўзлаштирилиб, мамлакат бойлиги алоҳида гуруҳ қўлида жамланди ва жамиятда носоғлом ижтимоий вазият яратилди. Маърузачи томонидан, анжуман иштирокчиларига берган маълумотларига кўра, яратилаётган миллий даромаднинг асосий қисми жамиятнинг 0,1 фоиз қисми қўлида тўпланмоқда.

ЗПН чиларнинг мана шу рақамли далили, Россия Федерациясида тижорат банклари давлат мулки ҳисобланган соҳаларни ҳам ана шундай “ноёб” – қиммат кредит бериш орқали ҳалокат ёқасига олиб келмоқда ва уларни ўз тасарруфига ўтказиб олмоқда ёки ўзлаштирамоқда. Сўнгра, давлат секторига тегишли бўлган корхоналар, таълим ва маориф муассасалари, соғлиқни сақлаш ва аҳолига хизмат кўрсатиш объектлари дефолт, деб эълон қилинмоқда. Шундай қилиб, бутун жамият нотўлов қарздорлик гирдобига кириб бормоқда.

Мутахассислар бундай ҳолатни “қарз дефляцияси” деб номлашган. Қарз дефляциясини ҳосил қилган молиявий қаллоблар, ҳатто давлат мулкани ўз ҳисобига мусодара қилиб олишга уринишларни ҳам бошлаб юборишди. Қарзга ботган аҳоли, шу жумладан, талабалар ҳам ўз меҳнати билан топган даромадларини банк кредити, фоизлари ва бошқа қўшимча устама харажатларини тўлашга сарфламоқда. Йилдан йилга реал даромадлари камайиб, турмуш шароитлари оғирлашиб боргани учун одамлар бундай ҳолатлардан эсанкираб қолишди. Ҳукумат томонидан эса бундай салбий ҳолатларни олдини олиш бўйича бирор ишончли қадамлар қўйилганича йўқ. ЗПН чилар юқоридаги ҳолатларни жамиятни бузишга қаратилган “молиявий уруш” деб аташмоқда. (қаралсин: Цит. по (Kindleberger and Aliber, Manias, Panics, and Crashesh, 47).

Қилар ишни қилиб, катта молиявий ресурсларни қўлга киритган бу молиячи қаллоблар, Ҳукуматга ўз талабларини қўйиб, қўрқитиб ёки мажбур қилиб яна молиявий ресурсларга эга бўлишмоқчи. Хусусан, АҚШ Ҳукумати ва Европа

иттифоқи мамлакатлари молиявий кризисни юмшатиш мақсадида танг аҳволда қолган банкларга катта молиявий ёрдам кўрсатишди. Уларнинг фикрича (сиёсатчилар ва давлат раҳбарлари назарда тутилмоқда) кризисдан чиқишнинг бошқа муқобил йўли йўқмиш. Бу текин луқмани кўриб, уларнинг иштаҳаси яна карнай бўлиб кетиши аниқку! ЗПНчилар давлат деярли ўз ваколатларидан фойдаланмади, мавжуд имкониятларини ишга солмади, натижада очқўз хусусий сектор олдида ўз ожизлигини намойиш этди, деб ҳисоблашмоқда.

XXI асрда, Европага шимолдан келиб, минг йил илгари босиб олган норманлар каби, янги босқинчи ижтимоий синф вужудга келди. Агар, норманлар ҳарбий куч ишлатган ҳолда мамлакатни талаган бўлса, янги босқинчилар эса молиявий найранглар орқали жамиятни хонавайрон қилмоқда. Бу қароқчилар XX асрда шаклланган ва ҳозирда ривож топган сохта молиячи ва тадбиркорлардир. Улар жамият ичига кириб олган қон сўрувчи зараркундалардир. Бу янги уруш, ҳарбий куч ишлатиш ёки синфий ёхуд мафкуравий уруш эмас, балки молиявий урушдир.

Биз, М.Хадсонни жаҳон молиявий кризисини вужудга келишида банклар қандай роль ўйнагани тўғрисидаги фикрларини тасаввур этганимизча баён қилдик. Ўйлаймизки бизни диққат билан эшитган ўқувчи, юқорида келтирилган далилу исботлардан ҳайратланмаса бўлади, чунки бундай ҳолатлар мажудлиги таниқли иқтисодчилар томонидан ҳам эътироф этилган. Масалан, Джеймс К. Гэлбрейт: “ЗПН – бу иқтисодиётда кредит қандай ишлаётганлигини тасвиридир”, деб баҳо берган.

Демак, ЗПН вакиллари молиявий кризисни келиб чиқиш сабабларини амалдаги кредит тизимига олиб бориб тақашди. Агар вазият шундай давом этар экан инсоният катта фалокат ёқасига келиб қолиши тайин. Хўп шундай ҳам дейлик, бу бўҳрондан қутулиш йўли борми ёки ҳамма нарсага айбдор бўлган амалдаги кредит тизимини тугатсак, унинг ўрнини эгалловчи муқобил тизим мавжудми? Албатта муқобил йўл бор деб ишонч билан жавоб беришмоқда ЗПН чилар. Бу балонинг балогардони фақат ва фақат давлатнинг ўзидир. Давлат мавжуд пул-кредит ва бюджет тизимини тубдан ислоҳ қилиши ва пул ҳамда хусусий сектор босими остида қолган кредит билан боғлиқ барча жараёнларни ўз назоратига олмоғи лозим. Лекин, биринчи навбатда бюджет тизимини ўзгартириш, ўзгартирганда ҳам шундай ўзгартириш керакки, унинг бошидан оёғигача ўзгариб қолсин.

Яъни давлат иқтисодиётининг ривожланиши билан боғлиқ барча харажатларни хусусий сектор қўлидан олиб, давлат бюджети орқали молиялаштиришни йўлга қўйиш керак. Савол туғилади, бунинг учун давлат бюджетининг, доимий профицит ҳолатда сақлаш керакку, даромадлар етмай қолиши мумкинку. Бу айтиш муддао, деб мамнуният билан жавоб беришмоқда ЗПН чилар. Чунки, давлат бюджети ўз харажатларини дефицит ҳосил қилган ҳолда молиялаштиради. Даромад ва захирани бўлиши асло талаб этилмайди. Пулнич, пулни қаердан олади? Пул эмиссия қилинади. Ҳа ишонаверинг, Марказий банк давлат бюджети харажатларини пул эмиссияси ҳисобига қоплаб бораверади. Давлат ex nihilo - “ҳеч нарса” дан пул ясайди, яъни “чоп этиш дастгоҳи” ни ишга солади. Мана сизга ЗПН! Мана унинг сир асрори.

Давлат ўз харажатларини амалга ошириш учун солиқ тушумларни кутиб ёки захира яратиб ўтирмайди, у олдин пул яратади. Давлат иқтисодийётни рағбатлантириш учун, айниқса унинг ҳажми пасайган ҳолларда, қанча пул ҳохласа, шунча пул эмиссия қилади ва сарфлайди. Хатто, ишчиларга иш ҳақи ҳам солиқдан олдин тўлаб берилади. Бордию инфляция даражаси кескин ўсиб кетса, иқтисодийётдаги ортиқча пулларни камайтириш мақсадида қатъий солиқ сиёсатини ишга солади. Аҳоли, солиқдан қолган даромад қисмини истеъмолга ишлатади ва инвестиция қилади. Демак, ЗПН га кўра, солиқлар Ҳукуматни молиялаштирувчи манба эмас, иқтисодийёни бошқариш воситасидир.

Келтон ва унинг тарфдорларининг фикрига кўра, мамлакатдаги мавжуд ресурслар, яъни ишловчи завод ва фабрикалар тўла қувватда ишламаганлиги ва ишсизлик пайдо бўлганлиги туфайли иқтисодийётда пасайиш юз берса, инфляция тўлқини уларни ҳаракатга келтиради ёки жонлантиради. Натижада ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошади, бу эса аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам кўпайганлигини англатади. Баҳолар ўсиш даражаси қандай бўлишидан қатъий назар, инфляция натижасида хусусий сектор қўлидаги ресурслар давлат тасарруфига ўта бошлайди. Демак инфляция ғолиб чиқади. Шундай қилиб, ЗПН ўз олдида қўйган асосий мақсадга, яъни аҳолини тўла иш билан банд қилишга эришилади деб ҳисоблайди.

Наҳотки, пул босиб чиқариш бутун келажак тараққиётини белгилаб берса? Ахир, пул чоп этиш дастгоҳи ҳамма учун ўта ноҳуш бўлган инфляцияни яратади. Барча ривожланган мамлакатлар пул-кредит сиёсатининг пировард мақсади инфляцияни жиловлаш эмасми? Асло бундай эмас деб тушинтиради ЗПН. Бу “текин тушлик” қилиш дегани эмас, пул чоп этишнинг ҳам реал чегараси мавжуд. Эмиссиянинг чегараси, мавжуд ресурсларга таянган ҳолда ишлаб чиқилган Ҳукумат лойиҳаларида белгиланган харажатлар суммаси билан белгиланади. Бу тамойилни тушуна олмаслик, унга риоя этмаслик жамиятга катта зарар етказиши. Пул яратиш хоҳиши билан унинг реал эҳтиёж чегарасини ажратиш олиш, ЗПН нинг мазмунини белгилайди. Агар, Ҳукумат лойиҳаларида белгиланган кўрсаткичлар, бухгалтерия ҳисоби тамойилларига номувофиқ деб топилса, пул эмиссияси тўхтатилади. Ишсизликни тугатиш ташвиши энди чоп этиш дастгоҳининг бошига тушади.

Шундай қилиб, ЗПН мамлакат аҳолисини иш билан таъминлаш вазифасини ўз бўйнига олади. Ҳукумат эса аҳоли бандлигини сўнгги инстанциясига айланади. Баҳолар билан нималар бўлаётганлигидан қатъий назар, Ҳукумат хусусий секторни жиловлаш имкониятига эга бўлади. Демак, ЗПН сиёсий масалаларни ҳам ҳал қилишга ёрдам беради.

Тан олиш керакки, ҳаммани ҳайратлантирган янги ЗПН муаллифлари томонидан юқоридаги пул таълимоти вакилларидаги мавжуд кемтик тўлдирилиб, пул назариясининг ҳар иккала қисмини алоҳида, лекин бир-бири билан мантиқий боғлаган ҳолда илмий изланиш амалга оширилган. Бу мазкур таълимотнинг энг катта ижобий хусусиятидир. Ҳа албатта, пул назариялари бўйича илмий тадқиқотларнинг пировард мақсади пулдан самарали фойдаланишдир. Лекин, илмий изланишнинг марказий объекти ҳисобланган пул моҳиятини очмай туриб, мазкур мақсадга эришиш мушкул.

Биз ҳам шу қоидага амал қилган ҳолда илмий тадқиқотни давом эттирамиз. ЗПН вакилларининг фикрига кўра пул, бу қарз мажбуриятидир - "Iowe you" (IOU)". АҚШлик олима Стефани Келтон 2012 йилда Италияда айнан шу мавзу (ЗПН)да ўтказилган илмий анжумандаги маърузасини айнан шу сўзлар билан бошлади. Шунингдек, у ўз сўзида замонавий пуллар эса давлат ёки пул эмиссияси бўйича унинг қонуний ваколатли органи бўлган Марказий банк мажбурияти эканлигини қайта-қайта такрорлади. Демак, у пулни биз юқоридаги бўлимларда таҳлил қилган ва пул эмас, деб ҳисоблаган пул суррогатлари ёки электрон пуллар сифатида эмас, балки буюк Аристотель ва унинг издошлари ёки рационал пул оқими вакиллари томонидан яратилган пул таълимотини ёқлаб чиқди. (қаралсин: Kelton. "Мир дефицита". 2020.)

ЗПН чилар билан пулнинг моҳияти бўйича ҳамфикрлигимиз йўқ эмас. Шу билан бирга, ЗПН чилар рационал пул оқими вакиллари айтганидек, пул давлат томонидан жамиятдаги товар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва муомала харажатларини камайтириш мақсадида ёки биз уларга қўшимча қилганимиздек, давлат қадимдан стихияли равишда пул салтанатини эгаллаган олтин пулларнинг таназзулга юз тутиши натижасида номинал -ҳисоб пулларини муомалага чиқаришга мажбур бўлганини тан олмаган.

Мазкур назария асосчилари пулнинг давлат томонидан эмиссия қилинишининг асосий омиллари, бу солиқларни йиғиш ва бюджет харажатларини амалга оширишдан иборат, деб ҳисоблашади. Бинобарин, уларнинг фикрича пулнинг умумий иқтисодиётдаги роли фақат ва фақат давлатнинг иқтисодий функцияларини бажариш, жумладан, давлат бюджети харажатларини молиялаштириш манбаи бўлмоғи ҳамда солиқлар йиғимини ҳам таъминлаб беришдир. Мазкур фикрлар ўтган аср ўрталарида ижод қилинган Г.Кнапп (1842-1926), Ф.Бендиксен ва Дж.М. Кэйнслар (1883- 1946) томонидан яратилган "давлат пули назарияси"га анча яқиндир. Зеро, ушбу анжуманда Стефани Келтон Дж.М.Кэйнснинг: "Нимани пул деб ҳисоблаш давлатнинг мутлоқ ҳукмидир, ҳозирда барча замонавий пуллар давлат пулидир" деган сўзларни ўз фикрининг иқтибоси сифатида келтириб ўтди. Шунинг учун айрим олимлар, ЗПН ни пул орқали давлат қўлида ижтимоий ресурсларни марказлаштириш мақсадида пулни давлат монополиясига айлантириш тўрисидаги янги хартал – янги ортодоксал иқтисодий таълимот сифатида баҳолашмоқда.

Шу анжуман иштирокчиси, мазкур назариянинг яна бир фаол тарғиботчиси бўлган атоқли олим, молия тарихчиси деб ном олган Майкл Хадсон ўз ватандоши бўлган С.Келтоннинг фикрини қуйидаги сўзлар билан мустаҳкамлади: "Бугунги муомаладаги пул қоғоз ёки электрон шаклда бўлмасин, улар давлат пулларидир. Албатта давлат пуллари ҳам қарздир, лекин улар ҳеч қачон қайтарилмайдиган ва тўланмайдиган қарз ҳисобланади".

"Давлат суверенми, демак унинг пули ҳам суверен бўлиши лозим. Битта давлатга битта валюта. Мамлакат валютаси нима бўлиши ҳуқуқи ҳам мутлоқ давлат ваколатидир. Ҳар бир мамлакат ўз валютасини ўзи эмиссия қилиш ҳуқуқига эга бўлмоғи, бинобарин ўз валютаси билан мустақил иқтисодий сиёсат юритиш шарт. Бегона валюта билан мустақил иқтисодий сиёсат юритиш бесамардир. Ҳатто, ўз

валюта курсини бошқа мамлакат валютасида белгилаш ҳам мустақил сиёсат юритишга тўсиқдир. Мамлакатдаги барча тўловлар давлат томонидан муомалага чиқарилган ягона валютада амалга оширилиши шарт”. Мана ЗПН нинг негизини ташкил этувчи асосий қоидалар.

Ҳа, бу қоидалар катта янгилик эмас, қолаверса суверен валюта мустақилликнинг асосий атрибутларидан биридир. Аммо ЗПН чи дўстларимиз бу талабларни янада чуқурлаштириб, биз олдинги бўлимларда “мўъжиза валюта” деб атаган еврога ҳам сунъий валюта сифатида қарашмоқда. Сабаби аниқ, Европа иттифоқига кирувчи мамлакатлар ўз валютасига эга эмас, табиийки уларда пул эмиссияси ҳуқуқи ҳам йўқ. Агар, пул давлат иродаси бўлса, нима учун у ўз пулни ўзи ярата олмайди? Бу фикрларни асоссиз деб ҳисоблаш мушкул. ЗПН вакиллари ўз фикрларини тасдиғи сифатида, асримизнинг бошида Европа Иттифоқи аъзолари бўлмиш Греция, Италия ва Испания мамлакатларида (бошқа мамлакатларда ҳам йўқ эмас) юз берган ва давом этаётган иқтисодий тангликни мисол сифатида кўрсатишмоқда. Евро билан мустақил иқтисодий сиёсат юритиш мумкин эмас. Демак, тангликдан чиқиш учун евродан воз кечиш ва мустақил валютага эга бўлиш лозим. (қаралсин: Milton Friedman, “The Euro: Money Unity to Political Disunity”, Project Syndicate, August 18, 1997).

Шундай қилиб, ЗПН асосчилари пул назариясининг биринчи қисмига тааллуқли бўлган пул моҳиятини, унинг иккинчи қисмидаги пул сиёсатини юритиш билан боғлиқ масалалар билан уйғунлаштиришга эришишди. Биз бу ҳолатни пул назариясини такомиллаштириш бўйича ижобий ҳолат, деб баҳолаймиз.

Мазкур, мақола миллий адабиётимизда ҳали ўз ўрнини топмаган “Замонавий пул назарияси” - ЗПН (“Modern monetary theory” – ММТ) таҳлилига бағишланди. Ўқувчининг ёдида бўлса керак, биз ЗПНнинг вужудга келиш сабабларини баён қилганимизда, мазкур назария асосчилари томонидан жаҳон тижорат банклари фаолиятига мажозий тилда айтганда шайтон аралашганлиги тўғрисидаги фикрларини аянч билан айтган эдик. Шундай ҳолатларни кўриб, молиявий ташкилотлар ва назорат органлари томонидан жамиятга молиявий уруш эълон қилинганлиги тўғрисидаги ЗПНчилар ҳасратини тан олгинг келади.

Айтингчи, нега миллиардлаб одамлар тақдири бир ҳовуч молиячи ва назорат органлари ходимларига боғлиқ бўлиши керак. Табиийки ҳақиқий пуллар ўз-ўзидан бузилмайди, уларни бундай шармисор бўлишига пул муомаласига жавобгар банк тизими айбдордир. Демак молиявий кризислар ҳам шубҳасизки молиявий ташкилотлар, хусусан “пул ота”сининг бесамар фаолияти туфайли юзага келади. Шу сабабли шундай айрим мутахассислар янги молиявий кризисни рўй беришида тижорат банклари билан бирга ҳамманинг умид юлдузи ҳисобланган Марказий банкни ҳам ахлоқ меъёрларига тўғри келмайдиган сўзлар билан айблашмоқда, тўғрироғи ҳақоратлашмоқда. Улар бу борада ёлғиз эмас.

Фикримизча, ЗПНчилар таклифларини ривожланган ва иқтисодий маънавият тўла шакллана бошлаган шимолий Европа ва шимолий Америка мамлакатларида синовдан ўтказиш ҳамда тижорат банклари билан боғлиқ масалаларни ижобий ҳал қилиш учун жаҳон банк амалиётига “Ислом банклари”и тажрибасини қўллаш мақсадга мувофиқдир.



**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Kindleberger and Aliber, Manias, Panics, and Crashes, 47
2. Чарльз Уилан. «Голые деньги» М. «Манн, Иванов и Фербер» 14 б. 382 б. 2019 г.
3. Kindleberger and Aliber, Manias, Panics, and Crashes, 47
4. Kelton. «Мир дефицита». 2020
5. Milton Friedman, "The Euro: Money Unity to Political Disunity", Project Syndicate, August 18, 1997